## Асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-март | 2016 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот | млрд. сўм | 1402,5 | 110,9 |
| Саноат маҳсулоти | млрд. сўм | 820,4 | 126,4 |
| Истеъмол товарлари | млрд. сўм | 425,9 | 137,2 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | млрд. сўм | 277,6 | 106,7 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | млрд. сўм | 260,5 | 111,2 |
| Қурилиш ишлари | млрд. сўм | 282,7 | 108,7 |
| Юк айланмаси | млн. тн-км | 184,9 | 108,0 |
| Йўловчи айланмаси | млн. йўловчи-км | 1046,8 | 106,6 |
| Чакана товар айланмаси | млрд. сўм | 825,3 | 111,7 |

# Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

2017 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 1402,5 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМ нинг реал хажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди.

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:

умумий хажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Тармоқларнинг ялпи қўшилган қийма

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-март ойларида қуйидагича ифодаланади:

| | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида | | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| | 2016 йил январь-март | 2017 йил январь-март | |
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **110,7** |
| шу жумладан: | | | |
| саноат | 19,8 | 22,5 | 123,5 |
| қишлоқ хўжалиги | 8,8 | 8,3 | 106,7 |
| қурилиш | 10,5 | 9,6 | 108,7 |
| транспорт ва алоқа | 14,0 | 13,1 | 107,0 |
| савдо ва умумий овқатланиш | 9,8 | 9,6 | 108,6 |
| бошқалар | 37,1 | 36,9 | 107,3 |
| Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар | 6,7 | 6,0 | 114,1 |

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий хажмининг 61,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврида 61,0 фоизни ташкил этган.

## Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

## (деҳқон ва фермер хўжаликларсиз)

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14296 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 13748 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,2 фоизини ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 23,6 фоизи), саноат (15,5 фоизи), қурилиш (10,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **14296** | **100,0** | **13748** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1099 | 7,7 | 1051 | 7,6 |
| саноат | 2218 | 15,5 | 2166 | 15,8 |
| қурилиш | 1441 | 10,1 | 1398 | 10,2 |
| савдо | 3378 | 23,6 | 3245 | 23,6 |
| ташиш ва сақлаш | 524 | 3,7 | 508 | 3,7 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 763 | 5,3 | 733 | 5,3 |
| ахборот ва алоқа | 227 | 1,6 | 216 | 1,6 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 434 | 3,0 | 432 | 3,1 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4212 | 29,5 | 3999 | 29,1 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 36,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,3 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 47,4 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-мартда жами 660 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 641 та). Уларнинг асосий қисми

Урганч шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 27,4 фоизи), Хива (14,5 фоиз), Урганч (11,4 фоиз), Хонқа (8,9 фоиз) ва Қўшкўпир туманларига (8,5 фоиз) тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,8 фоизи саноат, 21,7 фоизи савдо ва 12,9 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги бўйича хизматлар соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 247 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 48 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 19,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11156 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 61,1 фоизи (2016 йил январь-мартда 61,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 597,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 82,3 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 473,0 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 124,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 321,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 39,1 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 110,2 фоизни ташкил қилди;

- 269,7 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,1 фоизи) ташкил қилди.

- 187,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 71.9 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 100,6 фоизга ўсди;

- 258,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,5 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь- мартга нисбатан 109,7 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,2 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 92,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 107,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,1 фоизи ёки 726,9 млрд. сўми (ўсиш 112,7 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,2 фоизи ёки 484,4 млрд. сўми (ўсиш 111,9 фоиз) шакллантирилди;

2016 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 269,7 | 97,1 |

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|---|---|---|
| Саноат | 321,0 | 39,1 |
| Қурилиш | 258,5 | 95,1 |
| Чакана савдо | 726,9 | 88,1 |
| Юк ташиш, млн тн. | 6,7 | 83,6 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 94,6 | 93,6 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 13,6 | 37,5 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 31,3 | 83,3 |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Саноат

2017 йил январь-мартда саноат маҳсулоти ҳажми 820,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 126,4 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 425,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 201 йил январь-мартга нисбатан 137,2 фоизни ташкил этди. Жумладан, 182,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 235,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-мартга нисбатан

мос равишда 114,1 фоиз ва 162,4 фоиз) ишлаб чиқарилди. Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-март ойларида 3,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **820,4** | **126,4** |
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **0,2** | **104,4** |
| улардан: | | |
| Тог-кон саноати билан боглик бошка фаолият | 0,2 | 104,4 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **754,6** | **128,9** |
| ундан: | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 194,8 | 114,6 |
| Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 28,6 | 97,9 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 262,6 | 114,2 |
| Кийим ишлаб чиқариш | 4,2 | 114,4 |
| Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,9 | 102,3 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чикариш | 3,0 | 134,8 |
| Мебеллар ишлаб чикариш | 3,7 | 109,5 |
| Қоғоз ва қоғоз махсулотларини ишлаб чиқариш | 1,0 | 135,7 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 1,3 | 120,3 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 3,9 | 112,3 |
| Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 9,7 | 111,1 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 2,1 | 112,4 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 35,2 | 101,6 |
| Металлургия саноати | 0,07 | 109,8 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 145,7 | 335,9 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 16,3 | 111,9 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 60,8 | 103,1 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 0,4 | 101,4 |
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | **425,9** | **137,2** |
| шу жумладан: | | |
| озиқ-овқат товарлари | 182,6 | 114,1 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 235,8 | 162,4 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016й.




**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш**

(йирик корхоналар бўйича)

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-март | 2016 й январь-мартга нисбатан % |
|---|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | | | |
| Арок | минг.л 100% спирт | 400 | 125,0 |
| Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари | минг. л 100% спирт | 6 | 107,1 |
| Узум виноси | минг. л | 300 | 176,5 |
| Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган | тн | 0,4 | 100,0 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | минг.тн | 19,3 | 104,5 |
| Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар | тн | 102,8 | 146,6 |

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-март | 2016 й январь-мартга нисбатан % |
|---|---|---|---|
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (бухан-ка) | тн | 771,4 | 103,9 |
| Тозаланган пахта ёғи ва унинг фрак-циялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари) | тн | 7101 | 147,8 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган пах-тадан йигирилган бир қаватли ип | тн | | |
| Иш кийими | минг дона | 2,806 | 147,7 |
| Пахта толаси | минг тн | 36,9 | 104 |
| Уруғ лик пахта чигити | минг тн | 8,3 | 138,9 |
| Бошқа пахта чигити | минг тн | 48,4 | 100,2 |
| Пахта тивити (линт) | тн | 3133 | 126,9 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | | | |
| Гидроэлектростанциялар ишлаб чиқарган электр энергияси | млн.кВт/с | 64,3 | 57,3 |
| Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) | минг Гкал. | 45,7 | 71,7 |

## Қишлоқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-апрел ойларида қишлоқ , ўрмон ва балик хўжалиги ва бу сохоларда кўрсатилаган хизматлар умумий хажми амалдаги нархларда 277624,9 млн. сўмни ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чикариш ҳажми 224450,2 млн. сўмни (2016 йил январь-апрелига нисбатан 106,2 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 241515,6 млн. сўмни (106,4 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 9,2 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари 90,8 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




**Ҳосил йиғими.** 2017 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан Барча тоифадаги хўжаликларда 0,95 минг тн. сабзавот (5,4 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик**. 2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига йирик шохли қорамоллар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,8 минг бошга (4,5 фоизга), шу жумладан сигирлар 13,2 минг бошга (4,2 фоизга), қўй ва эчкилар 3,4 минг бошга (0,9 фоизга), паррандалар 245,3 минг бошга (5,1 фоизга) кўпайди.

2017 йилнинг январь-апрел ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 34,5 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 106,6 фоиз), 193,4 минг тонна сут (106,2 фоиз), 102,7 млн. дона тухум (107,1 фоиз), 61 тонна жун (103,4 фоиз), 1,4 минг дона қоракўл тери (102,7 фоиз) етиштирилди.

Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,7 фоизни, сут ишлаб чиқаришда – 95,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 54,2 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида




**Фермер хўжаликлари.**

2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига фермер хўжаликларида 61,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 23,5 минг бош сигир, 29,6 минг бош қўй ва эчкилар, 1126,0 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2016 йилнинг 1 апрелига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 104,6 фоизни, шу жумладан сигирлар 108,8 фоизни, қўй ва эчкилар 101,7 фоизни, паррандалар 104,5 фоизни ташкил қилди.

Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

| | январь-март | | | | 2016 йил январь-апрелигани сбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | | 2017 й. | | |
| | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | тонна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | |
| Сабзавот | 115 | 13,4 | 125 | 13,2 | 108,7 |
| Гўшт, тирик вазнда | 910 | 2,8 | 970 | 2,8 | 106,6 |
| Сут | 7100 | 3,9 | 7600 | 3,9 | 107,0 |
| Тухум, минг дона | 8950 | 9,3 | 9640 | 9,4 | 107,7 |
| Жун, тонна | 9 | 15,2 | 9 | 14,8 | 100,0 |
| Қоракўл, дона | 115 | 8,7 | 120 | 8,9 | 104,3 |

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 260,5 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | якунга нисбатан фоиз |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга киритилган инвестициялар** | **260,5** | **111,2** | **100** |
| шу жумладан | | | |
| **Марказлашган инвестициялар:** | **27,5** | **139,6** | **10,6** |
| бюджет маблағлари | 12,4 | 134,8 | 4,8 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 1,7 | 19,7 | 0,7 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | 5,2 | | 2,0 |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 8,2 | 1739,8 | 3,1 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **233,0** | **108,7** | **89,4** |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 80,4 | 166,0 | 30,8 |
| аҳоли маблағлари | 132,6 | 120,8 | 50,9 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 1,8 | 7,1 | 0,7 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 18,2 | 58,0 | 7,0 |

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | Жами | Давлат | Нодавлат |
|---|---|---|---|
| **Жами, млрд. сўм** | **260,5** | **32,8** | **227,7** |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 191,0 | 25,0 | 166,0 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 62,2 | 6,8 | 55,4 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Бошқа ҳаражатлар | 7,3 | 1,0 | 6,3 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 8,7 фоизли пунктга кўпайган , машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 9,4 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-мартда умумий майдони 173,2 минг кв.м. бўлган 885 та (2016 йил январь-мартга нисбатан 81,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 135,0 минг кв.м. (84,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 100,3 млрд. сўми ёки 38,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 11,3 км узунликдаги ичимлик суви, 4,3 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 71,1 ва 46,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 355,3 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 287,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-мартда 282,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,7 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 14,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 5,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 83,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 272,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,2 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 107,7 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

<u>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</u>




## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 8,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 184,9 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 8,0 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-март | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Ташилган юк, млн. тн | 7,9 | 109,7 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 7,9 | 109,7 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 184,9 | 108,0 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 184,9 | 108,0 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 107,1 фоизга кўпайди ва 184,9 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 82,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 82,7 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 101,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 6,6 фоизга кўпайиб, 1046,8 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-март | 2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 101,3 | 105,4 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 101,1 | 105,4 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 1046,8 | 106,6 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 1041,9 | 106,6 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 106,7 фоизга кўпайди ва 1046,8 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 83,4 фоиз).

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 825 302,5 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,7 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | млн. сўм | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **825 302,5** | **111,7** | **100** |
| шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича: | | | |
| давлат мулки | 182,3 | 111,4 | 0,02 |
| нодавлат мулки | 825 120,2 | 111,8 | 99,98 |
| ундан фуқароларнинг хусусий мулки | 89 468,3 | 111,4 | 10,8 |

Йирик корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январ-мартда 98 410,0 млн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,6 фоизни ташкил килди.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 726 892,5 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,7 фоизга ошган.

2017 йил январ-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | млн. сўм | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Чакана товар айланмаси** | **825 302,5** | **111,7** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | |
| йирик корхоналар | 98 410,0 | 104,6 | 11,9 |
| кичик тадбиркорлик | 726 892,5 | 112,7 | 88,1 |

| | млн. сўм | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | Якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| ундан уюшмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти) | 535 054,4 | 113,9 | 64,8 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 10 161,8 млн. сўмга етди ёки 2017 йил январ-мартга нисбатан 116,5 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 109,8 фозга ошди ва 463,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январ - март ойиларида 385,5 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 699,7 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 218,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 31,2 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 112,2 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартида қуйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **699,7** | **112,2** | **100,0** |
| Шу жумладан хизмат турлари бўйича: | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 56,1 | 105,8 | 8,0 |
| молиявий хизматлар | 86,6 | 123,6 | 12,4 |
| транспорт хизмати | 171,3 | 112,3 | 24,5 |

| | млрд. сўм | 2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида | якунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| шу жумладан автотранспорт хизматлари | 163,2 | 112,4 | 23,3 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 12,6 | 113,4 | 1,8 |
| савдо хизматлари | 204,7 | 109,4 | 29,3 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 26,8 | 111.8 | 3,8 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 30,2 | 118,5 | 4,3 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 10,7 | 113,5 | 1,5 |
| ижара ва прокат хизматлари | 17,7 | 109,3 | 2,5 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 28,4 | 111,4 | 4,1 |
| бошқа шахсий хизматлар | 30,9 | 111,1 | 4,4 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва тахлил сохасидаги хизматлар | 5,2 | 110,1 | 0,8 |
| бошқа турдаги хизматлар | 18,4 | 110,0 | 2,6 |

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш молиявий (12,4 фоиз), транспорт (24,5 фоиз), ва савдо (29,3 фоиз) хизматларига тўғри келди.

2017 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:

Савдо хизматлари

Транспорт хизмати

Молиявий хизматлар

Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати

Бошқа шахсий хизматларлуги

Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар

Компьютерларни ва маиший товарларни
таъмирлаш хизматлари

Таълим соҳасидаги хизматлар

Ижара ва прокат хизматлари

Бошқа турдаги хизматлар

Яшаш ва овқатланиш хизматлари

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар

Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник
синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар

## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрел ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1781,9 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5197 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йилнинг январь-апрел ойларида қуйидагича ифодаланади:

| | Киши | | | Ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й.[1)] | ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й.[1)] |
| Туғилганлар | 7673 | 7389 | -284 | 17,6 | 16,8 |
| Ўлганлар | 1815 | 2014 | 199 | 4,2 | 4,6 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан | 127 | 144 | 17 | 13,0 | 14,9 |
| Табиий ўсиш | 5858 | 5375 | -483 | 13,4 | 12,2 |
| Никоҳлар | 4793 | 5255 | 462 | 11,0 | 12,0 |
| Ажралишлар | 272 | 384 | 112 | 0,6 | 0,9 |

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 7389 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (7673 киши) нисбатан 284 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 16,8 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (17,6 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Гурлан туманида (20,1 дан 18,4 промиллега), Хазорасп туманида (20,2 дан 18,4 промиллега), Хонка туманида (19,0 дан 17,1 промиллега),Янгибозор туманида (20,0 дан 18,5 промиллега) камайиш кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 2014 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (1815 киши) нисбатан 199 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартида 4,2 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Урганч шахрида (5,7 дан 7,0 промиллега),Хазорасп туманида (3.8дан 4,3 промиллега), Хонка туманида (3,5 дан 4,2 промиллега), Хива туманида (3,7 дан 4,6 промиллега) кўпайиш кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 61,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,0 фоизи - ўсма касалликларидан, 4,7 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,2 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 4,8 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январ-мартида бир ёшга тўлмаган 144 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 14,9 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 13,0 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 16,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 11,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан,

[1)] дастлабки маълумот

12,5 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-мартида ФҲДЁ органларида 5255 та никоҳлар ва 384 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 12,0 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 11,0 та) ва 0,9 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,6 га) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2201 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2379 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 178 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 261 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Урганч шахарда (минус 242), Хазорасп туманида ( минус 48 ), Хонка туманида (минус 44) Гурлан туманида (минус 65) кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига

**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 101,5 фоизга кўпайиб, 994,9 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 55,9 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 3307 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб Урганч шаҳарда 459 та, Боғот туманида 312 та, Гурлан туманида 481 та, Кўшкўпир туманида 270 та ,Урганч туманида 231 та, Хазарасп туманида 287 та, Хонқа туманида 322 та, Хива туманида 214 та, Шовот туманида 358 та Янгиарик туманида 167 та, Янгибазар туманида 206 та фуқоро мурожаат этган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 2681 та нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич Урганч шаҳарда (396 кишига), Кушкупир (244 кишига), Хазарасп (246 кишига),Хонқа (278 кишига) ва Шовот (235 кишига), туманларида юқори даражада бўлди.

Жорий йил мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 483 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

**2681(киши)**

